


2(8)

ЎЗБЕКИСТОН
АГРАР ФАНИ
ХАБАРНОМАСИ



ВЕСТНИК
АГРАРНОЙ НАУКИ
УЗБЕКИСТАНА

2002

ЎЗБЕКИСТОН АГРАР ФАНИ ХАБАРНОМАСИ

№2 (8)

2002 йил

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

ЎЎК 632.931.4., 621.374., 537.52.

Н.Т. ТОШПҮЛАТОВ, Э.О. БОЗОРОВ, Ж. ТОШПҮЛАТОВ

БЕГОНА ЎТЛАР ВА ЎСИМЛИК ҚОЛДИҚЛАРИДАГИ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ ИОАНЬАНАВИЙ КУРАШ-УСУЛИ

Республикамизнинг лалмикор, сугорма деҳқончилик ва ёпиқ тупроқли майдонларида ҳосил унумдорлигини салмоғини ошириш, сифати ва навини яхшилаш аксарият ҳолларда тупроқнинг таркиби, унумдорлиги, минерал ва табиий элементларга бойлиғига боғлиқдир. Аммо экин навининг ҳосилдорлигини юқорилиги, тупроқнинг макро-ва микроэлементларга бойлиги, тупроққа ишлов бериш, сугориш, ўсимликларни парваришилаш тадбирлари қанчалик қатъий талабларга амал қилинган ҳолда олиб борилмасин, тупроқ таркибидаги мавжуд касалликлар ва касаллик тарқатувчи микроорганизмларнинг салбий таъсири, кўзланаётган олий мақсадларга эришиш йўлида тўсиқлигича қолаверади.

Шу сабабли касаллик тарқатувчи микроорганизмларнинг тупроқ таркибидаги доимий макони бўлган бегона ўтлар, ўсимлик қолдиқларини экин майдонларидан имкон қадар йўқ қилишга эришиш борасида бир қанча ташкилий ва техникавий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ташкилий тадбирларнинг мажмуаси, ҳозирги замон эркин бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда қишлоқ хўжалик экин майдонларининг ҳосилдорлигини ошириш, экин майдонларидағи олиб борилаётган ишлар сифатини яхшилаш, якка деҳқон, фермер хўжаликлари, ижара ва ширкат хўжаликлари фаолиятини кенгроқ тарғиб этиш ва тадбиқ қилиш каби тадбирларни қамраб олган бўлиб, уни амалга ошириш мақсадида изчил тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларнинг туб моҳияти фуқароларда ерга эгалик ҳиссини янгидан шакллантириш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини янада ошириш муаммоларини ҳал этишга жиддийроқ ёндошишга ундашдан иборатdir.

Янги ташкил этилган фермер, якка деҳқон, ижара ва ширкат хўжаликлари экинлар ҳосилдорлигини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини ва салмоғини ошириш ўстида сабит қадамлиқда ишламоқдалар. Аммо этиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг таннархи эса пировард натижада юқорилигича қолмоқда.

Техникавий тадбирлар мажмуаси, қишлоқ хўжалик экин майдонлардаги ишлов бериш тадбирларини илгор техника ва техник воситалар ёрдамида белгиланган муддатларда талаб даражасида ўтказиб юқори ҳосилдорликка эришишдан иборатdir. Қишлоқ хўжалик техникаси ва техник воситаларнинг марказлаширилган тартибда таъминланиши, техникадан унумли фойдаланиш, экинларга ишлов бериш технологик жараёнларининг аниқ муддатларда, сифатли ўтказиш ва ҳосилдорлик даражасини янада оширишига қаратилган. Лекин шунга қарамасдан ушбу муаммо ҳали ҳам ўз ечимини топган эмас. Муаммонинг ёчими эса ушбу хўжаликларда: механизмларни ижарага олиш нархларнинг қимматлиги, ёқилғи ва мойлаш материаллари нархининг кескин ортиши, минерал ўғитлар ва транспорт харажатларининг юқорилиги билан бирга бегона ўтлар, касалликлар ва касаллик тарқатувчи микроорганизмларга қарши қўлланиладиган кимёвий препаратларнинг ҳаддан зиёд қимматлиги туфайли ушбу тадбирлар аксарият ўрта ва кичик хўжаликларда қўлда бажарилмоқда. Бегона ўтларга қарши ўтоқ қилиш, чопиқлаш, экинлар тагини юмшатиш каби тадбирлар шулар жумласидандир. Албатта ушбу тадбирлар этиштирилаётган ҳосилга сарфланадиган меҳнат харажатлари миқдорининг ортиб кетиши сабабли меҳнат ҳақининг белгиланган меъёрлардан четга чиқишига олиб келади.

Маълумки, кўпчилик қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари қишиги мавсумда тупроқ таркибидаги бегона ўтларнинг илдизлари, илдиз поялари, уруғлари ва маданий ўсимликларнинг қолдиқларида яшаб, эрта баҳорда улардан озуқа сифатида фойдаланиб кўпаяди, сўнгра маданий экинларга ўтади. Айниқса, галла мустақиллигига эришиш мақсадида пахта ва кузги буғдой экин майдонларини алмашлаб экилиши натижасида тупроқ таркибининг касаллик тарқатувчи микроорганизмлар ва бегона ўт ўсимликлари билан заарланиш даражаси кўпайди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалик экин майдонларига сарфланадиган харажатларга таъсир этмоқда. Занжир мисол бир - бирига боғлик ушбу муаммоларни ҳал этиш ортиқча вақт, меҳнат ва катта миқдордаги маблагларни талаб этади.

Шу сабабли маданий экин майдонларидағи бегона ўтлар, касалликлар ва касаллик тарқатувчи микроорганизмларга қарши кураш кабилар ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида бир қанча анъанавий ва ноанъанавий усуllibар кашф этилган бўлиб, буларга агротехник, механик, кимёвий, биологик, электрофизик ва электр усуllibарини киритиш мумкин.

Агротехник ва механик усуllibар алмашлаб экиш ва қўшимча механик ишлов беришга асосланаган бўлиб, бегона ўтларга қарши курашда паст самарадорликка эга, чунки ушбу усуllibар кўп йиллик илдизпояли бегона ўтларнинг кўпайиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Чунки тупроқ таркибидаги ривожланган бегона ўтларнинг илдизлари ва илдизпоялари кўп йиллик вегетация натижасида тупроқдаги бегона ўт уруғлари алмашлаб экиш ва механик ишлов бериш жараёнида бўлиниб янада қўпаяди. Бу эса ушбу усуllibар самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Маълумки, айни пайдаги энг самарадор усуllibардан бири кимёвий усулдир. Ушбу усул бегона ўтларга қарши қимматбаҳо препаратларни қўллашга асосланган. Эътироф этиш жоизки, ушбу заҳарли кимёвий дорилар тупроқ таркибини заҳарлаб, ундаги фойдали микроорганизмларга қирон келтириш билан бир қаторда, ўсимлик илдизи, пояси ва унинг ҳосили таркибида йиғилиб тирик организмларни, ҳайвонларни ва одамларни заҳарламоқда, атороф муҳит мусаффолигига салибий таъсир кўрсатмоқда.

Ноанъанавий кураш усуllibари сифатида пластик мульчалаш, олов ёрдамида ёндириш, бегона ўтларнинг кушандаси бўлган ҳар хил микроорганизмлар ва капалак ёрдамида биологик кураш, паст кучланадиган ўзгармас ток ёрдамида электр таъсирлаш, ўта юқори частотали ток ёрдамида ишлов бериш кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Ушбу усуllibарни амалиётда жорий этилиши бир қатор муаммолар ечимига боғлиқdir. Масалан: пластик мульчалаш бегона ўтлар билан заарланган майдонларни қоғоз ёки полиэтилен плёнкаси билан қоплашга асосланган бўлиб, ушбу тадбирларни бажариш учун қўшимча агротехник тадбирларни ўтказиш, қоғоз ёки полиэтилен сотиб олиб келтириб тўшаш амалиётлари ҳосил таннархининг ортишига олиб келади. Олов ёрдамида ёндириш эса, ёнилғи нархининг қимматлиги ва кўп йиллик илдизпояли бегона ўтларга қарши паст самарадорликка эгалиги сабабли, узоқ вақт давомида тупроқ таркибида йиғилиб қолган заҳарли препаратларнинг салбий таъсири натижасида биологик усулага асос бўлган фойдали микроорганизмларнинг қирилиб кетиши сабабли таъсир самарасининг пастлиги, паст кучланишли ўзгармас электр токининг тупроқ таркибидаги ўсимликка таъсири натижасида тупроқда катта миқдорда сарф бўлиш ва кўп йиллик илдизпояли ўсимликлардаги таъсир самарадорлигини етарли даражада эмаслиги; ўта юқори частотали токларнинг тирик организмлар ва тупроқ таркибига кучли салбий таъсир қиласди.

Муаммоларнинг ечими эса ушбу усуllibарни ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ этиш учун маълум вақт ва қўшимча тадқиқотлар ўтказишни тақазо этади.

Бу борада Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида бегона ўтлар, ўсимлик қолдиқлари касаллик тарқатувчи микроорганизмларга қарши юқори кучланишли ток импульс разрядларни қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, ҳозирги кунда етарлича ижобий натижаларга эришилган[3].

Таклиф этилаётган усул энергия тежамкор, экологик хавфсиз, юқори самарадор, технологик ишлов жараёнларига дахлсиз, ҳосилдорлик таннархига айтарли таъсир этмайдиган ва энг муҳими хавфли асоратлардан холидир. Ушбу кураш ўсули ёз ёки куз ойларида ҳосил йигиб терилиб

шудгорлаш ишлари олиб борилаётган вақтгача ишлов беришнинг қўшимча тури сифатида ўтказилиши мумкин. Олиб борилган илмий техникавий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, Республикаизнинг экин майдонларида 74 турдаги бегона ўтлар тарқалган бўлиб, улардан, айниқса, катта зарар зарпек, ажриқ, ғумак, саломалайкум, бўритароқ, эшак шўра, итқўноқ, янтоқ, ёввойи гултохижўроз каби бегона ўтлардан кўп зиён етмоқда [1]. Чунки бу ўсимликлар уруғидан, илдизидан, илдизпоясидан кўпая олиш хусусиятига эгадир. Бегона ўтларнинг илдизлари мавсум давомида ривожланиб, ҳатто маданий экинлар йиғиштириб олингандан кейин ҳам тупроқ таркибида қолишини, уларнинг экинлар вегитацияси даврида тупроқдан ривожланган илдиз тизими орқали кўп миқдордаги микроэлементларни йиғишини ва мавсум охирида эса касаллик тарқатувчи қурт қумирсқалар, заарли микроорганизмлар маконига айланишини эътиборга оладиган бўлсак, бегона ўтларга қарши электр импульс токлари билан ишлов бериш тадбирини мавсум охирида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бегона ўтлар ўсимлик қолдиқлари ва касаллик тарқатувчи мироорганизмларига қарши электр импульс ток разрядлари билан ишлов бериш жараёни қуидагича бажарилади.

Технологик талабларига қўра электр қурилма касаллик тарқатувчи микроорганизмлар билан заарланган ўсимлик қолдиқларини ҳамда бегона ўтларни илдизи ва илдизпояси билан ердан ковлаб олиб, кесакларни майдалаб бегона ўтларни ажратиб олади, пассив (ҳаракатланмайдиган) электродлар ёрдамида бирламчи ишлов беради, сўнgra актив (ҳаракатланувчи) электродлар ёрдамида иккиласми ишлов бериб ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларни ерга ташлайди. Ушбу технологик усулни амалга ошириш мақсадида амалда қўлланилаётган картошка ковлаш комбайнидан фойдаланилди [3]. Курилманинг асосий ковлаш, саралаш ва ҳаракатланиш механизминарини ўзгартиришсиз қолдириб, унга яна қўшимча ҳаракатланувчи транспортёр лентаси устига ўзакли темирлардан ясалган барабан шаклидаги кесак майдалаш қурилмасини жойлаштиридик. Кесак майдалаш қурилмасидан кейин эса, юқори кучланишли пассив ишлов бериш электродлари ва ундан кейин 50 - 60 см масофада актив айланма ҳаракатланувчи электродлар қурилмаси жойлаштирилди. Юқори кучланишли электр импульс разрядлари электр қурилмаси ҳар хил тупроқ шароитида ишлашини, шу сабабли бегона ўтлар илдизпояси ва ўсимлик қолдиқлари турли ўлчамдаги кесаклар орасида жойлашганлигини ва шу билан бирга ушбу қурилмадан тошлоқ ерларда ҳам фойдаланиш мумкинлигини эътиборга олиб, кесак майдалаш ускунасининг технологик жараён пайтида шикастланмаслигига эришиш мақсадида бегона ўтларни ташувчи транспортёр билан оралиқ масофани вазиятга қараб ўзгартириш чораси қўрилди. Яъни кесак майдалагичнинг транспортёр билан оралиқ масофаси минимал ўлчамда бўлишини ва керак пайтда унинг оралиқ масофаси ўзагартириш учун уни пружина мосламаси ёрдамида рамага маҳкамладик. Кесак майдалаш барабани комбайндаги редуктордан занжир орқали юлдузчага бериладиган бураш моменти таъсирида транспортёрга нисбатан тескари йўналишда ҳаракатланади. Бу ҳолат кесакларнинг барабан орасидан ўтгандан сўнг майдаланишини таъминлайди. Ишлов берувчи пассив электродларга юқори кучланишли электр импульс ток разрядлари, диэлектрик юзасида ўрнатилган чақмоқ оралиқлар воситасида кабел симлари билан берилади. Актив ишлов берувчи электродлар, эса ишлов бериш пайтида айлануб туришини назарда тутиб, актив электродларга юқори кучланишли ток разрядлари, диэлектрик барабаннинг ён томонида ўрнатилган айланана шаклидаги диэлектрик материалга ўрнатилган ёйсимон чақмоқ оралиқлари орқали берилади. Юқори кучланишли электр импульс разряд қурилмасидан фойдаланаётган ишчиларга юқори кучланишли ток разрядлари зарар етказмаслиги учун барча электр узатиш ўтказгич симлари, юқори кучланишга чидамли эгилувчан кабеллар воситасида бажарилган.

Бегона ўтлар, ўсимлик қолдиқларига ишлов бериш учун комбайнга ўрнатилган электроимпульс қурилмаси электр энергиясини ишлаб чиқарувчи генератор ўрнатилган тракторга тиркалади.

Ҳаракатланувчи қурилма ишлов бериш жараёнида бегона ўт илдизлари, илдизпоялари ва ўсимликлар қолдиқларини тупроқдан кавлаб олиб, кесакларни майдалайди ва тупроқдан ажратади, пассив электрод ёрдамида бирламчи ва актив электрод ёрдамида иккиласми ишлов бериб тупроқга ташлайди.

Юқори кучланиши импульс токлари билан ишлов берилган касалланган ўсимликлар организмида кўзга кўринмас тешикчалар ҳосил бўлади. Ушбу тешиклар ўсимлик танасидаги озиқлантирувчи суюқ шарбатнинг оқиб чиқиб бугланиши ва тупроқ таркибидағи ҳар хил заар-кунанда чиритувчи замбуруғларнинг чириш жараёнини авж олдиришга сабаб бўлади[4].

Таклиф этилаётган технологик усул бегона ўтлар ва улардаги касаллик тарқатувчи микроорганизмларнинг 30-35 кун мобайнида 70% гача камайтириш имконини беради.

ТИҚХМИИ

Қабул қилинган вақти 26 апрел 2002 йил

Адабиётлар

1. Бешимова Ш., Салимова Л. Ўсимлик маҳсулотлари етишириш технологияси ва экология. Дарслик. Ўзбекистон нашриёти. Тошкент. 1994.
2. Ташибулатов Н.Т., Байзаков Т.М., Бозоров Э.О. Способ уборки растений. А.С. № 3456 удоств. № 504 зарегистрир. в гос. реестре изобретений, промышленных образцов и полезных моделей Республики Узбекистан 11 марта 1996г.
3. Ташибулатов Н. Т., Тухтамишев Б. Электроимпульсная обработка корневищ многолетних сорняков. Энергосбережение в сельском хозяйстве. Труды 2-й Международной научно-технической конференции. Москва 3 - 5 октября 2000 г. с. 391 - 394.
4. Ташибулатов Н.Т., Вахабов А., Бозоров Э.О. Изучение воздействия высоковольтных импульсных разрядов на вирус табачной мозайки. Узбекский журнал. Проблемы информатики и энергетики. Ташкент. 2001. № 1.

Н.Т. ТАШПУЛАТОВ, Э.О. БОЗОРОВ, Ж. ТАШПУЛАТОВ

Нетрадиционные методы борьбы зараженных растительных остатков и сорных растений

В статье анализируется современное состояние засоренности сорными растениями посевных площадей сельскохозяйственных культур, зараженность культурных растений с вирусами болезнетворных нематод, роль сорных растений в распространении и размножении опасных болезней. Сделан подробный анализ существующих методов и способов борьбы: агротехнический, механический, биологический, химический и электрический, как наиболее приемлемые. Описывается порядок выполнения приведенных методик, их положительные и отрицательные стороны, побочные эффекты и вредность этих способов окружающей среде, их эффективность и степень поражения сорных растений и болезнетворных микроорганизмов. Рекомендуется порядок и применение электроимпульсных разрядов высокого напряжения для борьбы зараженных растений томата и огурцов вирусами болезнетворных нематод.

N.T. TOSHPULATOV, E.O. BOZOROV, J. TOSHPULATOV

None traditional methods of struggle with plant weeds infection by remaining and the rested weeds

Choking by weed crops of Agricultural culture, struggle with the crop infection with virus diseases of nematods and the role of the weeds in spreading and reproduction of dangerous diseased are given in this article. The detailed analyse of existing methods and the way of strrruggling such as agrotechnical, mechanical, biological chemical and electrical are representeted as the most acceptable. The order of making above described method of filfilment as positive, negáative effects and secondary effects and harmful effect for surrounding envieonment, the higher lèvel of the indicated methods and damage degree with week of the plant and diseasable microorganism is described in this article. The order and employment of electroimpulse discharge by means of high-voltage is recomendad for struggling charged tomato and cucumbers by viruses infection of nematod disease.